

БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Алишер Хасанович Нарманов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти докторантни

alishernarmanov@mail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада болалар нутқини шакллантиришда ғарб ва шарқ нотиқларининг фикрлари улар берган назарий ва амалий тавсияларини ўрганишб уларнинг нутққа оид фикрлари ва тавсияларини ўқувчи ёшларга етказиш орқали таълим тизимида ҳам ўз самарсини бериши ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: Риторика, стратегия, оналар мактаби, ақл ва нутқ, Мурожаатнома, “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс”.

КИРИШ

Кейинги йилларни жамиятимизда туб ўзгаришлар, ислоҳотлар даври дейишимиз учун етарли асослар бор. 2017 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 2017-2021 йилларда мамлакатимизни комплекс ривожлантириш, шунингдек, юрт тараққиётини таъминлашнинг устувор жиҳатларини белгилаб берган дастур бўлиб хизмат қилди. Шубҳасиз, 2017-2021 йиллар мамлакатимиз тарихида “Янги Ўзбекистон” жамиятини барпо этиш ва “Учинчи Ренессанс” пойдеворини қўйишдек улуғвор мақсадларга киришилгани билан қолади. Амалга оширилаётган ислоҳот ва ташабbusларнинг аниқлиги, стратегик аҳамияти ва қамрови нафқат маҳаллий, балки халқаро эксперталар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ислоҳотлар контекстида таълим ва фан соҳасига бўлаётган эътибор алоҳида эътирофга лойик. Кейинги беш йил давомида барча турдаги таълим босқичларини тубдан такомиллаштириш бўйича бир қатор Президент фармони ва қарорлари қабул қилинди. Қабул қилинган бу ҳужжатлар амалий жиҳатдан ҳаётга яқинлиги билан ажralиб туради.

Таълим муассасаларида, хусусан, умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг коммуникатив компетенцияларини шакллантириш, нутқий қўнималарини

ривожлантириш компетенциявий ва шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Коммуникатив компетенциялар ўқув фанини пухта ўзлаштириш, ижтимоий муносабатларга киришиш, танқидий ва ностандарт тафаккур тарзига эришиш, ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён қилиш билан боғлиқ нутқий фаолият маҳсули экан, ўқувчиларда мазкур компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш масаласига мактабгача таълим даври ва умумтаълим мактабларининг дастлабки босқичларидан катта эътибор қаратиш лозим ва бу, айни пайтда, ўқувчиларда шахсий компетенцияларни шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳамдир.

Бола нутқини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи педагогиканинг асосий муаммоларидан бўлиб келган. Дарҳақиқат, болалар нутқининг шаклланиши бир қанча омилларга боғлиқ ва уларни таҳлил қилиш мазкур муаммонинг ечимиға нисбатан тўғри ёндашувни таъминлайди. Мазкур омиллар сифатида оила ва таълим муассасасидаги муҳит, боланинг руҳий ҳолати, имкониятлари, жисмоний саломатлиги, фаоллиги, ахлоқий ва эстетик сифатларини келтириш мумкин. Бола нутқини ривожлантиришда бой фольклор намуналарининг ўрнини, шунингдек, ҳалқ оғзаки ижодидаги бир қатор жанрларининг руҳий ва физиологик таъсир имкониятларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш бугунги кун тилшунослик, адабиётшунослик, фольклоршунослик, психология ва педагогика каби фанларининг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мавзунинг бир неча фанлар кесишмасидан жой олиши унинг кенг қамровли илмий муаммо эканлигини кўрсатади.

Олиб борилган илмий иш ва тадқиқотларни таҳлил ҳамда тавсиф этиш бошланғич таълим ёшидаги болалар нутқини такомиллаштиришнинг илмий асослари ва тадқиқ этиш даражасини аниқлаш имкониятини беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бошланғич таълим ёшидаги болалар нутқини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш мамлакатимизда ўтган асрнинг 50-йилларида бошланган. Бошланғич таълим соҳасини биринчилардан бўлиб ўрганган олимлардан А.В.Никольская маҳаллий миллат болаларига рус тилини ўқитиши контекстида муаммони тадқиқ этади. А.В.Никольская томонидан ўтказилган синов тадқиқотлари (1958-60 йиллар) натижасида бошланғич катта ёшли ўзбек болаларига русча оғзаки нутқни ўргатиш

методикасининг асосий мазмуни белгиланган ва унинг асосий масалалари ишлаб чиқилган.

ХХ асрнинг 70-йилларида А.В.Никольскаяяниг илмий раҳбарлиги остида Е.М.Разбаева томонидан амалга оширилган тадқиқотларда бошланғич таълим ёшидаги болаларда ўқилган асарлар асосида катталар меҳнатига хурматни тарбиялашда фольклор асарларининг ўрни ёритилган. Хусусан, мазкур тадқиқотда меҳнат ва маросим қўшиқлари воситасида ёшларда ижтимоий фойдалари меҳнатнинг инсон камолотидаги ўрни, меҳнатнинг мукаммал тарбия воситаси эканлиги, ўзбек халқ оғзаки ижодидан (халқ эртаклари, ўйинлари) фойдаланиш асосида атрофдагиларга адолатли муносабатда бўлишни шакллантириш масалалари ўзбек фольклори намуналари воситасида таҳлил қилинган.

Мазкур тадқиқотлар фольклорнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни, хусусан, бола тарбиясидаги аҳамияти нечоғлик катта эканлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, “Фольклор барча санъатнинг бошланиши, сарчашмаси, шу сабабли ҳам бошқа кўпгина санъатлар билан уйғунликка эга, шунинг билан бирга ҳеч бирига ўхшамаган ўзига хослиги билан ажralиб турувчи алоҳида санъат туридир. Бу соҳа ўз ичига мусиқа, рақс, ҳунармандчилик, тасвирий, бадиий ва бошқа санъатлар билан боғлиқ тасаввурларни қамраб олади. Бошқача айтсак, оғзаки ижод халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида ифода этувчи, унинг тақдири билан чамбарчас боғлиқ ижодий жараёндир. Шунинг учун ҳам алломаларимиз уни эл адабиёти деб атаган. Бирор бир халқнинг қандай халқ эканлигини билиш учун даставвал унинг фольклорига назар солиш лозим бўлади. Ҳар қандай санъатнинг боши фольклорда, деган гап бугун пайдо бўлган эмас. У узоқ йиллик ҳаётий қузатиш, илмий тажрибанинг ҳосиласи. Ҳақиқатдан ҳам тасвирий, ҳунармандчилик, мусиқа, рақс, сўз ва бошқа санъат турларининг аввали-боши, юзага келиши бевосита халқ оғзаки ижодига, халқнинг илк тасаввур ва ишончларига бориб тақалади”.

Халқ оғзаки ижоди, шубҳасиз, бола тарбиясида, хусусан, уларнинг нутқини ривожлантиришда катта имкониятлар ва жуда бой қадриятларга эга сўз санъати туридир. Хусусан, унинг эртак, афсона, ривоят, тез айтиш, топишмоқ, мақол каби жанрлари ўқувчи-ёшларнинг дунёқарашини, тасаввурини, тафаккур имкониятларини, хотирасини, руҳиятини, нутқини тарбиялашда бемисл аҳамиятга эга эканлиги мазкур жанрларнинг ўзига хослиги ва ички имкониятларида намоён бўлади.

Ф.Р.Қодированинг тадқиқотларида мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда нутқ шаклларидан фойдаланишининг педагогик-психологик омиллари, болаларга хорижий тилларни ўргатишнинг лингвопедагогик муаммолари, русийзабон болаларга ўзбек тилини ўргатишнинг услугубий хусусиятлари каби масалалар ёритилган. Хусусан, болалар нутқини ривожлантиришда уларнинг сўз бойлигини ошириш устида ишлаш, хотирасини кучайтириш, диалогик нутқ шаклидан фойдаланишининг услубияти, бадиий асарлар, хусусан, халқ оғзаки ижодининг эртак, ривоят, афсона каби насрий жанрларидан фойдаланишининг услугубий ва педагогик хусусиятлари кенг кўламда таҳлил қилинган.

Р.М.Қодированинг тадқиқотларида эса беш-олти ёшли болалар нутқини рус тилини ўқитиши жараёнида ривожлантиришининг омиллари тадқиқ этилган. Хусусан, болаларнинг нутқини ривожлантиришининг педагогик-психологик омиллари, болаларга рус тилини диалогик нутқ воситасида ўқитишнинг услубияти, рус тилини ўқитиши жараёнида болаларда байналминаллик ва ватанпарварлик фазилатларини шакллантириш масалалари таҳлил қилинган.

Д.Р.Бабаеванинг тадқиқотларида болалар нутқини ривожлантиришининг илмий-педагогик шарт-шароитлари, назарий, ташкилий-педагогик ва методик томонлари, болалар нутқини ривожлантиришда оиланинг ўрни, мазкур муаммони таълим жараёнида режалаштириш ва ташкил этиш, теварак-атроф билан танишиш жараёнида болалар нутқини ўстириш усуллари, болаларнинг теварак-атрофни билиш жараёни билан боғлиқ нутқни ривожлантириш технологияси каби масалалар тадқиқ этилган.

Инсоният тараққиёти тадрижида тил, нутқ ва тафаккурнинг аҳамияти катта. Шу ўринда ушбу тушунчаларнинг лингвистик таҳлилига бир оз тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тил онг ва тафаккур билан чамбарчас боғлиқ. Бу икки тушунча бир-бирини тақазо этади ва бири иккинчисиз мавжуд бўла олмайди. Тафаккур жараёни онгимизда тил элементлари қўринишида кечади. Сўз ва бошқа тил унсурлари тушунча сифатида онга тафаккур юритиш воситаси сифатида намоён бўлади. Бу жараён тил унсурларисиз амалга ошмайди. Демак, тил онг ва тафаккур билан чамбарчас боғлиқ.

Нутқ тил билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, унинг такомили тилдаги лексик бирликларнинг инсоннинг тезкор хотирасидан ўрин олиши ва унинг нутқ жараёнида тезкор қўллай олиш қобилиятига боғлиқ. Инсоннинг луғат бойлигини оширмасдан туриб унинг

нутқий қобилиятини ривожлантириб бўлмайди. Шунингдек, лексик бирликларнинг услубий хосланганлиги ва унинг ўзига хос маъно товланишларини тажриба ва табиий интуицияга таянган ҳолда ҳис қилиш инсонга сўздан ўринли фойдаланиш имкониятини оширади. Бу эса сўзга эътибор, бадиий мутолаа, турли ижтимоий муносабатлар воситасида ҳосил бўладиган лингво-психологик кўникмалар бўлиб, унга ички ва ташқи омиллар воситасида таъсир қилиш мумкин.

Нутқни эгаллашнинг асосий босқичи бошланғич таълим даврига тўғри келади ва кейинчалик у мунтазам ривожланиш хусусиятига эга. Шундан келиб чиқсан ҳолда, ҳозирги пайтда нутқни ривожлантириш босқичларини алоҳида ўрганишга кенг эътибор қаратилмоқда. Бошланғич таълим ёшидаги болалар нутқи тадқиқотчилари Е.И.Тихеева, Е.А.Флерина, А.М.Леушина, Л.А.Пеньевская ва бошқалар болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш ва ҳикоя қилиш кўникмаларини ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, диалогик нутқ шакли билан ва монологик нутқнинг ифода йўсинидаги ўзаро боғлиқлик, фарқ ва ўхшаш хусусиятлар, равон нутқни шакллантирувчи омиллар тадқиқ қилинган. Шунингдек, мазкур тадқиқотчилар томонидан болалар нутқини ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари, хусусан, болалар ҳикояларини таснифлаш, ҳикоя ўқиш (tinglash) жараёнининг нутқни шакллантиришдаги роли, теварак-атрофдаги предметларни тавсифлаш, адабий асарларни ҳикоя қилиб бериш, расмга қараб ҳикоя қилиш, шахсий ва жамоа тажрибасидан мисол келтириш, ижодий ҳикоя қилиш каби омиллар тавсифланган.

Бошланғич таълим ёшидаги болалар нутқини ривожлантириш мактабгача таълим муассасаларида шу йўналишда олиб борилган амалий ишларга асосланади. Шундай экан, мактабгача ва бошланғич таълимда нутқни шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги ишларнинг интеграциясини таъминлаш, дастурлардаги узвийлик ва узлуксизлик масалаларини қайтадан кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Бунда, мактабгача таълимда нутқни шакллантириш билан боғлиқ: фикрни ифодалай олиш, боғлиқли нутқ кўникмалари, бошланғич таълимда эса уни ривожлантириш масаласига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ; бошланғич таълимда яна расм асосида ҳикоя тузиш, бадиий матнни қайта ҳикоя қилиб бериш, тил элементларининг грамматик табиатига ҳам эътиборни қаратиш қўл келади.

Болалар нутқини шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар

нутқий фаолиятнинг яхшиланишига рағбатнинг кучайтиришига сабаб бўлмокда. Нутқий фаолият нутқий ҳаракатлар билан яхлитлик касб этганда самарали мулоқот жараёни қарор топади. Рус тадқиқотчиларининг болалар нутқий фаолиятини ривожлантириш борасидаги назарий қарашларида мазкур ёндашув марказий ўринни эгаллайди. Уларда вербал ва новербал мулоқот шаклларидан ўринли ва унумли фойдаланиш нутқининг таъсирчанлигини ошириши исботланган.

Ўзбек маърифатпарварларидан бири Абдулла Авлонийнинг серқирра ижодий фаолиятида таълим ва тарбия масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. У олим ва муаллим, шоир ва ёзувчи, театр етакчиси ва режиссёри сифатида Ватан равнақини маҳаллий халқ болаларининг илму маърифатли бўлишида кўради ва бу йўлда амалий аҳамиятга эга бўлган жиддий ишларни амалга оширади. Айниқса, у ўзбек қизларига таълим-тарбия бериш ва улар учун маҳсус мактаблар ташкил этиш муаммосига алоҳида эътибор беради. Фаолияти давомида Авлоний “Адабиёт” (I-IV китоблар), “Биринчи муаллим” (“Муалими аввал”), “Иккинчи муаллим” (“Муалими соний”), “Туркий гулистон”, “Мактаб гулистони” каби дарсликларини ёзади ва чоп этади.

Абдулла Авлоний ўз асарларида илм олиш муаммосини биринчи ўринга қўяди. У, жумладан, шундай дейди: “Алҳосил, бутун ҳаётимиз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, майшатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илм билан боғлиқдур. Шунинг учун ўқимак, билмак замоналарини қўлдан бермай, вужудимизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмакка жонимиз борича саъй қилмагимиз лозимдир”.¹ Авлоний илм тарбия жараёнида ўзлаштирилади, у яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузлиқдан, жоизни ножоиздан фарқлаш имконини беради, деб ҳисоблайди.

Ўқишиш услубига ислоҳ киритилиши, янги мактабларнинг ташкил қилиниши, ўқувчиларга замонавий билимлар бериш, шарқ ва ғарб тилларини ўргатиш каби масалаларнинг таълим амалиётига киритилиши Абдулла Авлоний номи билан боғлиқ.

Абдулла Авлоний ёшлар тарбиясида бадиий адабиётнинг ўрни беқиёс эканлигини англаган ҳолда ўзининг дарсликларида халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт намуналарини муайян тарбия шаклини асослаш мақсадида келтиради.

Абдулла Авлоний дунёқарашининг шаклланишида рус адабиёти ва маданияти муҳим роль ўйнайди. У А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, М.Горькийнинг ижодий меросларига катта

хурмат билан муносабатда бўлган ва К.Д.Ушинскийнинг педагогик меросини юкори баҳолаган. Авлонийнинг педагогик қарашларида болалар нутқий фаолиятини ривожлантириш масаласи бадиий адабиёт билан боғлиқликда қаралади. У педагог сифатида бадиий адабиётнинг лингвистик ва коммуникатив имкониятларини болалар маънавий камолоти, хусусан, нутқининг ривожланишида асосий омил сифатида кўради. Авлонийнинг дастлаб яратган дарслкларида берилган кичик ҳикояларнинг икки жиҳатини ажратиб қўрсатиш мумкин:

- 1) ҳикоялардаги ибратли хуносалар ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ҳаёт ҳақидаги хуносаларини бойитиш, тафаккурини ўстириш билан боғлиқ тарбиявий жиҳат;
- 2) ҳикояларни ўқиши жараёнида ўзлаштириладиган нутқий кўниқмалар билан боғлиқ таълимий жиҳат.

Демак, Абдулла Авлоний ўзининг таълим ва тарбия концепциясида болаларнинг нутқий қобилиятларини ўстириш масаласига эътибор қаратган, уларни ўзлаштиришда бадиий адабиётга асосий восита сифатида қараган.

ХУЛОСА

Умуман, болалар нутқини ривожлантириш масаласи кенг қамровли ва қўп омилли педагогик муаммо сифатида илмий жамоатчиликнинг эътиборини кўпдан бери жалб қилиб келмоқда. Уларда муаммо турли хил аспектларда тадқиқ қилинган. Айниқса, бу борада рус педагог олимларининг хизмати катта бўлиб, маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ҳали амалга оширилиши лозим бўлган тадқиқотлар талайгина. Шубҳасиз, болалар нутқини ривожлантириш маслаласини турли ракурслар орқали тадқиқ қилиниши ўзининг нафақат илмий, балки амалий аҳамиятига ҳам эга.

REFERENCES

1. Никольская А.В. Воспитание у детей уважения к труду взрослых на основе бесед о прочитанном [Текст] / М-во просвещения Узбек. ССР. Узбек. науч.-исслед. ин-т пед. наук. - Ташкент : [б. и.], 1958. - 28 с.
2. Разбаева, Э. М. Воспитание у старших дошкольников уважения к труду взрослых на основе использования бесед по прочитанному [Текст] : Автореферат дис. на соискание ученой степени кандидата педагогических наук / Ташк. гос. ун-т им. В.И.Ленина. - Ташкент : [б.и.], 1964. - 26 с.

3. Фольклор – миллатнинг боқий тарихи. Фольклоршунос Жаббор Эшонқул билан мулоқот:// <https://saviya.uz/hayot/suhbat/folklor-millatning-boqiy-tarixi/?imlo=k>
4. Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги русийзабон болаларни ўзбекча сўзлашишга ўргатиш. Т., «Ўқитувчи», 1997.; Қодирова Ф.Р. Мактабгача ёшдаги болаларни чет тилига ўргатишнинг лингводидактик муаммолари. Ж., «Педагогик таълим», 2002, №2.; Қодирова Ф.Р, Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларга иккинчи тилни ўргатиш методикаси. Т., «Сано-Стандарт» 2004.
5. Қодирова Р.М. Мактабгача ёшдаги болаларда диалогик нутқни ривожлантиришнинг психологик омиллари. Сариғоч, 1998.; Кадырова Р.М. Формирования международных и патриотических чувств у дошкольников и шестилеток-учащихся в процессе обучения им русской разговорной, речи. Номзодлик диссертацияси автореферати. Т., 1990.; Кадырова Р.М. Обучение детей 5-6 лет диалогической речи на русском языке в детских садах Узбекистана. Т., «Ўқитувчи», 1992.; Кадырова Р.М. Обучение детей дошкольного возраста русской разговорной речи в национальных детских садах Узбекистана. Т., «Ўқитувчи», 1992.
6. Бабаева Д.Р. Нутқ ўстириш методикаси (теварак-атрофни ўрганиш материаллари асосида). Ўқув қўлланма. –Т.: Фан ва технология, 2009, 128 бет.
7. Тихеева Е.И. Развитие речи детей. Пособие для воспитателей детских садов. Издание 4-е. –М.: Просвещение. 1981. -144 с.; Леушина А.М. Авторитет родителей в воспитании детей. Стенограмма публичной лекции. –Л., 1952.; Рассказывание детей как средство обучения связной речи // Известия академии педагогических наук РСФСР. Выпуск 16, 1948 г.
http://elib.gnpbu.ru/text/izvestiya-apn_vyp16_1948/go,111;fs,1/